

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ОЛИМЛАР КЕНГАШИНИНГ
265–СОҢЛИ
МАЖЛИСИ ҚАРОРЛАРИ

31 январь 2018 йил

Тошкент шаҳри

Қатнашдилар: Раис проф. Акилов Х.А.

Котиба – доц. Гулямова М.К.

Кенгаш аъзолари – 67 кишидан 64 киши

Кун тартиби

1. ЎзРесп.Президентини Ш.М.Мирзиёевнинг Парламентга қилган Мурожаатномасини ўрганиш. Маматова Н.М.

2. ЎзРни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида" ва Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси бўйича ЎзР Президентининг Фармони лойиҳасини ўрганиш. Проректор Касимова М.С.

3. Фан тўғрисидаги” ва “Инновацион фаолият тўғрисидаги” Қонунларнинг муҳокамаси . Б.Д.Дурманов.

4. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларни тасдиқлаш тўғрисидаги“ПФ 5293 Фармони ҳақида.Раис проф Акилов Х.А.

5. Гастроэнтерология ва гематология трансфузиология билан кафедраларининг хисоботи Кафедра мудирлари ва ишчи гуруҳи раисининг хисоботи

6 Ятрогения, тиббий этика ва тиббий ёрдам курсатишдаги камчиликлар. Проф. Мавлянходжаев Р.Ш.

7. Турли масалалар.

Ихтисосликлар бўйича малакавий тавсифномаларни тасдиқлаш.

- Услубий ҳужжатларни тасдиқлаш.

Олимлар кенгаши аъзолари кун тартибидаги масалаларни тинглаб, муҳокама қилиб,
КУЙИДАГИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР:

ЎзРесп.Президентини Ш.М.Мирзиёевнинг Парламентга қилган Мурожаатномасини ўрганиш. Маматова Н.М.

Олимлар кенгашининг қарори: 1. Президент Мурожаатномаси эътибор учун қабул қилинсин.

Ушбу Мурожаатнома, ҳар бир кафедрада клиник ординаторлар ва курсантлар орасида ўрганилсин, ҳамда маънавият ва маърифат режа дастурларига киритилсин.

Масъул: Кафедра мудирлари,кафедраларнинг маърифат ва маънавият ва клиник ординатура бўйича масъул шахслар
Назорат: Деканлар ва назорат инспекцияси
Муддати: укув йили давомида

ЎзРни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида" ва Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси бўйича ЎзР Президентининг Фармони лойиҳасини ўрганиш.

Эшитилди: Проректор Касимова М.С. Фармон лойиҳаси тингланиб, муҳокама қилиниб, тасдиқланди.

Олимлар кенгашининг қарори: 1. ЎзРни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида" ва Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси бўйича ЎзР Президентининг Фармони лойиҳасини эътибор ва сузсиз ижро учун қабул қилинсин.

Масъул: Кафедра мудирлари,кафедраларнинг маърифат ва маънавият ва клиник ординатура бўйича масъул шахслар
Назорат: Деканлар ва назорат инспекцияси
Муддати: укув йили давомида

2. Институтнинг ҳаракатлар стратегияси бўйича “Йул харитаси ” тасдиқлансин.
3. Ҳар бир кафедра уз ихтисослик йуналиши бўйича “Йул харитасини ишлаб чиқсин.”

Масъул: Кафедра мудирлари,кафедраларнинг маърифат ва маънавият бўйича масъул шахслар
Назорат: Деканлар ва назорат инспекцияси
Муддати: укув йили давомида

Фан тўғрисидаги” ва “Инновацион фаолият тўғрисидаги” Қонунларнинг муҳокамаси . Б.Д.Дурманов.

Олимлар кенгашининг қарори: 1. ЎзР Президентининг“Фан тўғрисидаги” ва “Инновацион фаолият тўғрисидаги” Қонунлари ахборот учун қабул қилинсин.

Қонунларга киритилаётган таклифлар тасдиқлансин.

Гематология ва гастроэнтерология кафедраларининг ҳисоботи

Олимлар кенгашининг қарори: Гастроэнтерология ва гематология кафедраларининг ҳисоботлари қониқарли деб топилсин.

Ишчи гуруҳининг қайд этган камчиликлари бартараф этилсин. Ишчи гуруҳининг таклифлари қабул қилинсин.

- **Р.Ш Мавлян-Ходжаев “ Ятрогения, тиббий этика ва тиббий ёрдам кўрсатишда камчиликлар”**

- Олимлар кенгаши қарори: 1. Ушбу маъруза ҳар бир кафедрада ўрганилсин ва клиник ординаторлар орасида муҳокама қилинсин.

Масъул: Кафедра мудирлари,кафедраларнинг маърифат ва маънавият ва клиник ординатура бўйича масъул шахслар
Назорат: Деканлар ва назорат инспекцияси
Муддати: укув йили давомида

- 2. Маъруза институт сайтига жойлаштирилсин.
- Масъул: Ахборот технологиялари маркази ходимлари
- Назорат: Укув булими ва назорат инспекцияси
- Муддати: бир ой давомида

3. Иложи бўлса шу мавзу бўйича институтимизда семинар- конференция ташкил эттирилсин.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 29 декабрьдаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларни тасдиқлаш тўғрисидаги“ПФ 5293 Фармони ҳақида.

Олимлар кенгаши қарори: 1. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 29 декабрьдаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларни тасдиқлаш тўғрисидаги“ПФ 5293 Фармони раҳбарлик ижро учун қабул қилинсин.
Турли масалалар.

Февраль ойидаги Олимлар кенгашида ички касалликлар кафедрасининг ҳисоботи учун куйидаги таркибда ишчи гуруҳи тайинланди:

Раис: Проф.Арифов С,С., Хамрабаева Ф.И., Каюмов А.А., Гаффарова Ф.М.Юлдашева Л.Э. тайинланди.

Олимлар кенгаши қарори: Юқоридаги таркибдаги ишчи гуруҳи таркиби тасдиқлансин.

Ихтисосликлар бўйича малакавий тавсифномаларни тасдиқлаш.

Эшитилди: Укув ишлари бўйича проректор, т.ф.д.Касимова М.С.

Мухокама қилинди: 160 та ихтисослик бўйича малакавий тавсифномалар. Уларга ижобий тақризлар олинганини айтилди.

Олимлар кенгаши аъзолари уни тинглаб, муҳокама қилиб, тасдиқладилар.

Олимлар кенгаши қарори: 160 та ихтисослик бўйича малакавий тавсифномалар тасдиқлансин.

Услубий ҳужжатларни тасдиқлаш.

Олимлар кенгашининг котибаси:

доц. Гулямова М.К.